

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ



УКАЗ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 7 ” марта

№ПФ-5687

“ ____ ” 20 г.

**Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг
ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш түғрисида**

Иктисадий ва сиёсий-хуқукий халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали мувофикалаштириш, халқаро майдонда мамлакатимиз мавқеини янада юксалтириш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш, масъул давлат органлари раҳбарларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишида уларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Устувор халқаро рейтинг ва индексларни комплекс равища кўриб чиқиши ва яхшилаш борасида ижро самарадорлигини ошириш ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилаётган тегишли чора-тадбирларни тизимли мувофикалаштириш лозимлигини инобатга олган ҳолда:

Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашини мувофикалаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 1-иловадаги таркибга мувофик тузилсан;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасига **халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича** масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринbosари (кейинги ўринларда – молия вазири ўринbosари) лавозими киритилсан;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида бошқарув ходимларининг сони қўшимча 10 та штат бирлигидан иборат **Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси** (кейинги ўринларда – Бошқарма) ташкил этилсан ва юкори малакали кадрлар билан тўлдирилиши таъминлансан.

2. Белгилаб қўйилсанки:

а) **Комиссия** халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш доирасида:

хар ойда камида бир маротаба йигилади;

мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун устувор йўналишларни белгилаб беради ва амалга оширилаётган ишларни мувофикалаштириб боради;

тегишли қарорлар қабул қиласи ва уларнинг ижросини вазирлик хамда идоралар томонидан сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди, шунингдек уларнинг ойлик хисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда камида бир маротаба хисобот тақдим этади;

б) молия вазири ўринbosари:

халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида мутасадди вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштирилган ўзаро ҳамкорлигини, уларга юклатилган вазифаларни самарали ва сифатли бажариш учун услубий ва консультатив ёрдам кўрсатишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йигилишларида, шу жумладан Раёсат мажлисларида, мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ахволини танқидий кўриб чиқиш бўйича таклифлар беради;

в) Бошқарма Комиссия ишчи органи бўлиб, мутасадди вазирлик ва идораларнинг халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил этади ва зарур маълумотларни умумлаштиради, бу борада куйидаги вазифаларни амалга оширади:

мутасадди вазирлик ва идоралардан зарур бўлган маълумотларни сўраб олади, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги юзасидан ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлайди ва Комиссияга тақдим киласи;

халқаро рейтинг ва индексларни эълон килувчи ташкилотлар, рейтинг агентликлари, маҳаллий ҳамда халқаро эксперт, консультант ва мутахассислар билан тўғридан-тўғри ишлайди, шу жумладан, уларни республикага тақлиф киласи ва олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами билан яқиндан таништиради, чет элда соҳага оид тадбирларда мутахассислар иштирокини, давра сухбатлари, халқаро форум ва конференцияларни ташкиллаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси билан устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш учун комплекс чора-тадбирларни белгилаш юзасидан яқиндан ҳамкорлик қиласи;

тегишли тақлифларни ишлаб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади;

г) халқаро рейтинг ва индексларнинг маълумот базаларидан фойдаланиш, зарур ахборот материалларини олиш, ушбу рейтинг ва индекслардаги Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича халқаро рейтинг агентликлари ҳамда халқаро эксперт, консультант ва мутахассисларни жалб қилиш билан боғлик харажатларни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.

3. Мутасадди вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари:

тегишли халқаро рейтинг ва индекслар бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишда шахсан масъул этиб белгилансин;

икки ҳафта муддатда жорий йилнинг 1 сентябрига қадар амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва Комиссиянинг ишчи органига тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

5. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирун.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргалиқда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “7” мартағи ПФ-5687-сон Фармонига
1-илова

**Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни
мувофикалаштириш бўйича комиссия
таркиби**

- | | |
|-----------------|--|
| Ж.А.Кўчкоров | - Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари –
Ўзбекистон Республикаси молия вазири, комиссия раиси |
| М.П.Оллоёров | - Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси
ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари |
| С.У.Умурзаков | - Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташки савдо
вазири |
| Э.Т.Юлдашев | - Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори ўринбосари |
| А.М.Мусаев | - Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
шўъба мудири |
| Т.А.Ишметов | - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари |
| Б.А.Бегалов | - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
раиси |
| Н.Ш.Шарипов | - Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси |
| Р.А.Гулямов | - Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат
вазирининг биринчи ўринбосари |
| М.Ш.Истамов | - Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи
ўринбосари |
| Н.С.Жўраев | - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори |
| Лавозими бўйича | - Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари |
| А.И.Икрамов | - Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси |
| О.Р.Исақов | - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат
суверен, корпоратив (банк) қарз мажбуриятлари
ва давлат қарзи бошқармаси бошлиғи – вазир маслаҳатчиси |
| Лавозими бўйича | - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги халқаро
рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи,
комиссия котиби |

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга
янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклangan шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил „7“ мартағи ПФ-5687-сон Фармонига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
айрим хужжатларига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги
ПФ-5544-сон “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион
ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони
3-иловасининг рус тилидаги матнида:

а) қуидаги мазмундаги 4¹ ва 4²-позициялар билан тўлдирилсин:

“ 4 ¹ .	Voice and Accountability Index	Индекс голоса и ответственности	Индикаторы государственного управления Всемирного банка	2,46	Кабинет Министров	Агентство информации и массовых коммуникаций, Минюст, НЦПЧ, ТПП	76,0
4 ² .	Control of Corruption	Борьба с коррупцией	Индикаторы государственного управления Всемирного банка	8,65	Генпрокуратура	Минюст, СГБ, МВД	77,0

б) 38-позиция қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“ 38.	Intensity of local competition	Интенсивность местной конкуренции	Данные Всемирного экономического форума	-	Антимонопольный комитет	Минэкономпром, ТПП	75,0
-------	--------------------------------	-----------------------------------	---	---	-------------------------	--------------------	------

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги
ПФ-5635-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар
стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга
оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонининг 3-иловасида:

а) 2-позиция қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“ 2.	Глобал рақобатбардошлиқ индекси	Молия вазирлиги (Ж.Кўчкоров)
------	---------------------------------	---------------------------------

б) 3-позиция қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“ 3.	“Doing business” индекси	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Ходжсаев)
------	--------------------------	--


в) 4-позиция қуидаги таҳрирда баён этилсин:

4.	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) кредит рейтинги	Молия вазирлиги (Ж.Кўчкоров)
----	--	---------------------------------

г) қуидаги мазмундаги 16-позиция билан тўлдирилсин:

16.	Давлат сиёсати ва институционал баҳолаш индекси	Вазирлар Махкамасининг Инвестициялар ва ташки иқтисодий алоқалар масалалари котибияти (Э.Ганиев)
-----	---	--

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартағи ПҚ-2847-сон “Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2-иловасининг рус тилидаги матни қуидаги блоклар билан тўлдирилсин:



4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида:

а) 1-банднинг учинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 5-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 6-банднинг биринчи хатбошисидан “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) 9-банндаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва саноат вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида:

а) 7-банндаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва саноат вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг рус тилидаги матни “Ответственное министерство, ведомство” устуnidаги “НАПУ” деган сўз “Минэкономпром” деган сўз билан алмаштирилсин.

